

КАСБИЙ ТАЪЛИМДА ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ

Анарбой Рустамович ХОДЖАБОЕВ

Педагогика фанлари доктори,
профессор

Касб-ҳунар таълими тизимини
инновацион ривожлантириш,

педагог кадрларининг

малакасини ошириш ва

уларни қайта тайёрлаш институти

Тошкент, Ўзбекистон

anarbayk@gmail.ru

Аннотация

Мақолада касбий таълимдаги инновацияларнинг мазмун ва моҳияти, жорий этилиши босқичлари, замонавий инновацион технологиялари хақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: касбий таълим, инновация, технология, ривожланиш, жамият, таълим дастурлари, мазмун, моҳият.

СУТЬ И СОДЕРЖАНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ИННОВАЦИЙ В ПРОФЕССИОНАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ

Анарбой Рустамович ХОДЖАБОЕВ

доктор педагогических наук,

профессор

Институт развития системы

профессионального образования,

повышения квалификации

педагогических работников и

их переподготовки

Ташкент, Узбекистан

anarbayk@gmail.ru

Аннотация

В статье рассматриваются суть и содержание инноваций в профессиональном образовании, этапы их внедрения, современные инновационные технологии.

Ключевые слова: профессиональное образование, инновация, технология, развитие, общество, программы образования, содержание, сущность.

THE ESSENCE AND CONTENT OF MODERN INNOVATIONS IN VOCATIONAL EDUCATION

Anarboy Rustamovich KHODJABOYEV

Doctor of Education,

Professor

Institute for Development of Vocational
Education System, Advanced Training of Teachers
and their Retraining
Tashkent, Uzbekistan
anarbayk@gmail.ru

Annotation

The essence and content of innovations in vocational education, stages of their implementation, modern innovative technologies are considered in the article.

Keywords: vocational education, innovation, technology, development, society, education programs, content, nature.

Таълим соҳасидаги инновациялар амалиётда илғор педагогик тажрибаларни жорий этиш билан узвий боғлиқ. Ҳозирги замон педагогика фанида етакчи ўрин тутган ўқув-тарбия жараёни таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни эгаллашларига, шахсини шакллантиришга қаратилган. Таълимдаги инновациялар таълимни мувофиқлаштиришга, уни керакли узанга йўналтиришга имкон беради. Кишилар оқибатини олдиндан билиб бўлмайдиган ўзгаришлар, янгиликларга доимо хавотир билан қараб, салбий муносабат билдиришган. Оммавий онгда шаклланган стереотиплар ҳаёт тарзи билан боғлиқ бўлиб, муаммоларни келтириб чиқаради ва ўқитиш турларини янгилашга халақит беради.

Касбий таълимда инновациялар бу – янги таълимий дастурлар, методлар, технологиялар ва курслар демакдир. Инновациялар ўқитишнинг фаол шакллари ривожлантиради. Масалан, ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланмоқда ва таълим тизимига шиддат билан

кириб бормокда. Касбий таълимда инновацион технологияларни қўллашдан асосий мақсад – ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаси фаолияти изчиллигини таъминлаш ҳамда уни мақсадга йўналтирилган ҳолда ташкил этиш. Бу ишда ҳам педагогик, ҳам бошқарув масалалари ҳал этилади. Касбий таълим жараёнида ўқитишнинг инновацион технологияларини қўллаш мутахассислар тайёрлаш сифатини оширади.

Касбий таълимдаги инновация — ўқитиш ва тарбиялашнинг мақсади, мазмуни, метод ва шакллари, ўқитувчи, ишлаб чиқариш таълими устаси, ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятига янгилик киритиш, фикрлаш тарзини ўзгартиришдир.

Инновацион технологияларнинг ривожланиш муаммосини ўрганиш натижаси шуни кўрсатадики, педагогик инноватика янги таълим амалиётини яратиш билан боғлиқ технологияларни тадқиқ этади. Бунда ҳозирги вақтда шакланган анъанавий таълим амалиёти натижалари қиёсий ўрганилади. Албатта, инновацияларни қўллаш ва амалга ошириш технологияси анча мураккаб характерга эга. Агар инновацияларни қўллаш натижасида таълим сифати ошса, демак, уни самарали деб ҳисоблаш мумкин.

Инновациялар – таълим ривожланишининг муҳим элементи. Улар муҳим аҳамиятга эга тизимли янгиликлардан иборатдир [1].

Инновациялар турли ташаббус ва янгиланиш асосида юзага келади ҳамда таълимнинг тадрижий такомил учун истиқболли ҳисобланади, шунингдек таълим муҳитининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида таълим, унинг мазмуни ва сифатида муҳим ўзгаришлар содир бўлади. Ташаббуслар педагогик фаолиятнинг янада истиқболли шакллари ва воситаларини излашда, яъни метод ва усулларни амалда синаб кўришда, умуман, таълим соҳасидаги табиий тадрижий такомил жараёнида юзага келади.

Ташаббуслар педагогик тажриба алмашиш ҳамда уни кенг ёйиш жараёнида, педагогларнинг ижтимоий фаолияти ҳамда оммавий ташаббусларни шакллантиришда янада мустаҳкамланади. Пировардида янги

ижтимоий-педагогик, психологик, проектив ва ижтимоий-маданий ғояларни илгари сурувчи ташаббускор ва новатор педагоглар гуруҳи шаклланади. Ҳозирги вақтда педагогик инноватика мустақил илмий соҳа сифатида вужудга келмоқда. Педагогик инноватика педагогик инновациялар табиатини, унинг вужудга келиши ва ривожланиш қонуниятларини, таълим субъектлари фаолиятини инновацион нуқтаи назардан ўрганади.

Педагогик инновациялар таълим мазмунидаги янгиликлар, уни ташкил этишнинг янги методлари, шакллари ёки ўқитишнинг такомиллаштирилган техник воситалари, таълим соҳасидаги ижтимоий хизматларга янгича ёндашувлардан иборат [2].

Ҳар қандай инновацион жараён қаби педагогик инновацион жараён ҳам бир неча босқичда ривожланади. *Биринчи босқичда* эмпирик тарздаги ишлар таҳлил этилади ва инновация элементларининг янгилиги даражаси аниқланади ва ўрганилган ҳар қайси инновация элементи умумий янгиликка қанчалик ижобий ҳамда салбий таъсир этиши тавсифланади. *Иккинчи босқичда* бевосита педагогик инновацион жараён ўрганилади. *Учинчи босқичда* новатор педагог турли инновацияларни амалда қўллаш ҳақида бош қотиради.

Инновацияларга таълим ривожининг муҳим элементи сифатида қаралади. Улар таълимда муайян глобал ўзгаришга олиб келадиган таълим маконидаги ташаббус ва янгиликлар, ўзгаришлар тенденциясида ифодаланади.

Умуман, инновацияларни глобал характерга эга бўлмаган ва кўп вақтни талаб этмайдиган амалий ва хусусий инновацияларга ажратиш мумкин. Амалий инновациялар ҳамма вақт фундаментал. Улар бутун давлат миқёсида, ҳудуд ва локал тармоқ даражасида амалга оширилади. Хусусий инновациялар дейилганда ўқитувчи томонидан яқка тартибда бажариладиган методик, дидактик, ташкилий, тарбиявий характердаги ижодий янгиликлар назарда тутилади [3].

ЮНЕСКОнинг “Таълим технологияларидаги янгилик” номли тўпламида янгиликлар икки турга ажратиб кўрсатилган: глобал (бутун таълим тизими соҳасида ўқитиш ва тарбиялаш борасидаги) ва хусусий (алоҳида таълим муассасаси, масалан, касб-хунар коллежидаги ёки ўқув предметини ўқитиш соҳасидаги) янгиликлар). Унда инновацияларни таснифлашнинг муҳимлиги ва бу ишда қуйидагиларни алоҳида эътиборга олиш зарурлиги таъкидлаб ўтилган: 1) ташкилий янгиликлар (ташкилий ишдаги янгиликлар); 2) технологиядаги янгиликлар; 3) ўқув дастурларидаги янгиликлар.

ЮНЕСКОнинг даврий нашрида таълимдаги инновациялар янада аниқроқ таснифланган. Хусусан, таълимнинг ижтимоий мақоми (давлат таълим парадигмасида акс этган); таълим тизимининг тузилмаси; тизимидаги узвий алоқалар ва бирликлар; таълим муассасалари типологияси; ўқитишни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш технологияси; таълим субъектларининг ўзаро муносабатлари; хусусий методикалар ва ўқитиш жиҳозлари; таълим муассасалари биносини қуриш ҳамда жиҳозлашдаги инновацияларга алоҳида тўхталиб ўтилади.

Ўз инновацион имконияти бўйича янгиликлар қуйидагиларга бўлинади: радикал ёки асосий (мутлақ янги технология, бошқариш методлари, педагогик маҳсулот кўриниши). Ахборот технологияси асосида ўқитиш жараёнини қайта қуриш бундай янгиликка мисол бўлиб ҳисобланади.

“*Инновация*” ва “*инновацион жараёнлар*” иборалари ўзаро яқин ва ўхшаш, лекин бир хил маънони англатмайди. Инновацион жараён инновацияларни вужудга келтириш, амалиётга татбиқ этиш ва оммалаштириш фаолияти билан боғлиқ. Янгиликлар, модернизация, фаолиятни такомиллаштириш, шаклан ўзгартириш, ривожлантириш билан боғлиқ бўлган модификацион инновациялар, олдиндан маълум бўлган методлар элементларининг янги тизимга бирлашувини назарда тутувчи бириккан инновациялар, ўхшашликка ва умумийликка эга бўлмаган радикал инновациялар ислохотларнинг асоси сифатида белгиланади.

Педагогик жамоа аъзоларини инновацион жараёнга жалб этиш алоҳида бир жамоа аъзоси ёки бутун жамоа фаолиятига боғлиқ бўлиши мумкин. Инновацияларни татбиқ этишнинг натижавийлигини текшириш уларнинг самарадорлигини баҳолаш масалаларини ҳал этишни талаб этади. Бунга қуйидагилар мисол бўлади: педагоглар касбий маҳоратининг ошиши; жамоада ижтимоий-психологик муҳитнинг мустаҳкамлиги ва ижодий хусусиятлари; таълим ва тарбия жараёнини янгилашга ўқитувчиларнинг тайёрлиги; педагогик жамоанинг илмий-методик салоҳиятини оширишга мойиллиги; педагоглар орасида ахборот алмашинуви сифатининг ошиши; ўқувчиларни таълим тизимининг турли босқичларида ўқишни давом эттиришлари учун тайёрлаш сифати.

Жамоадаги муносабатларни ҳам таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади. Чунки бу таълим муассасасидаги психологик муҳит тўғрисида маълумот олиш имконини яратади. Жамоадаги ўзаро муносабатлар қуйидаги белгилар орқали тавсифланади: ўзаро ёрдам ва қўллаб-қувватлаш, ишонч ва бир-бирига нисбатан юқори даражадаги талабчанлик, жамоага тегишли бўлган масалалар муҳокамаси жараёнида ўз фикрини эркин ифодалаш ва бошқалар. Таъкидлаш жоизки, инновацион жараён аниқ фаолиятни бажариш эвазига содир бўлади.

Касбий таълимдаги инновацион технологиялар — ўқувчиларнинг тизимли ижодий техник фикрлашини ва ижодий ишлаб чиқариш масалаларини ечишда ностандарт техник ғояларни илгари суриш қобилиятини шакллантиришга йўналтирилган технологиялардир.

Касбий таълимда инновацион технологиялар дейилганда турли педагогик янгиликларни яратиш, қабул қилиш, баҳолаш, ўзлаштириш ва амалда татбиқ этиш тушунилади. Бунда педагогик янгиликларга бир бутун деб қаралади.

Инновацион дарс — ностандарт, ноанъанавий, вариатив, ўзгарувчан тузилишга эга бўлган ва ўқув фаолиятини ташкил этишнинг янги воситаси ёрдамида ўқувчиларнинг таълим олишга қизиқишини оширишга қаратилган

машғулотдир. Ўтказилиш шаклига кўра дарсларни мусобақа ва ўйинлар (танловлар, турнирлар, ишбилармонлик ўйинлари), мулоқотга киришнинг оммавий турлари (матбуот конференциялари, аукционлар, бенефислар) тарзидаги дарслар, шунингдек муассаса фаолиятига тақлид қилиш дарслари (суд, илмий кенгаш, тахририят кенгаши)га ажратиш мумкин.

Касбий инновацион фаолият — бу янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёки амалиётнинг янги шаклланаётган меъёрининг мавжуд меъёр билан тўқнашуви натижасида вужудга келган мажмуавий муаммоларни ечишга қаратилган фаолиятдир [5].

Касбий инновацион фаолият даврида янгиликлар, инновациялар том маънода таълим жараёнига кириб келади. Шу сабабли, таълим тизимидаги инновацияларни педагогик жараёнга киритиш қуйидаги тўрт босқичда амалга оширилади: 1) муаммони таҳлил асосида аниқлаш; 2) мўлжалланаётган таълим тизимини режалаштириш; 3) ўзгаришлар ва янгиликларни режалаштириш; 4) ўзгаришларни амалга ошириш.

Инновацион фаолият бўлажак мутахассисдан нафақат касбий билим ва малакаларни эгаллашни, балки ўзлаштирилган билимларни ишлаб чиқариш соҳасида амалий қўллаш, илмий соҳалардаги ютуқлардан фойдаланиш кўникмасини ҳамда бошқа қатор шахсий сифатларни ҳам талаб этади.

Таълим ривожланишининг инновацион механизмлари қуйидагиларни қамраб олади: турли таълим муассасалари ва тузилмаларда ижодий муҳитни яратиш, илмий ва педагогик жамиятларда ташаббус ва янгиликларга қизиқишни шакллантириш; янгиликларни қўллаб-қувватлаш ва уларни амалда жорий этиш учун ижтимоий-маданий ва моддий шарт-шароитларни яратиш; янгиликларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш механизминини лойиҳалаш; энг истиқболли янгиликларни ва самарали лойиҳаларни амалдаги таълим тизимига интеграциялаш ва тўпланган инновацияларни доимий фаолият кўрсатувчи ва экспериментал таълим тизимлари режимига ўтказиш.

Қайд этиш лозимки, «инновация» сўзи лотинча «innovatio» — янгилик киритиш, янгилик деган маъноларни англатади. Кенг маънода инновация мавжуд билимлардан фойдаланишнинг янги усулини билдиради.

Таълимдаги инновация – таълим ва тарбия мақсади, мазмуни, метод ва шаклларидаги янгиликлар, ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари, ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этишдаги янгиликлар, фикрлаш тарзидаги ўзгаришлардир.

Инновацион технологиялар — педагогик янгиликларни амалга татбиқ этиш фаолияти, яъни ўқитувчининг педагогик янгиликларни яратиши, ўзлаштириши ва улардан ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш амалиётида фойдаланиш фаолиятидир. Бошқача айтганда, бунда ўқитувчи таълим муассасасида маълум инновацион муҳит яратади.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ижодий фаолиятга янгилик, ўзгартишлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол усуллардан фойдаланилади.

Шундай қилиб, педагогик инновацион фаолият ўқитиш тизимини бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтказишга олиб келувчи янгиликни тарқатиш технологиясидан иборат. Янгилик ўзгаришлар учун восита яратади. Педагогик фаолият эса амалиёт жараёнида уни қайта ўзгартиришни тақозо этади.

Касбий таълимда «инновация» тушунчаси бир қийматли эмас ва мазмун-моҳиятига кўра анча мураккаб ҳисобланади. Бу касбий таълимнинг турли даража ва босқичларида иштирок этувчилар фаолиятини ташкил этишда қийинчилик туғдириши мумкин. Шу боис, инновацияни режалаштириш ва жорий этишда изчиллик зарур. Жорий этиладиган инновацион сиёсатнинг бирлиги масаласи ҳам жуда муҳимдир. Касбий таълимда бундай ягона сиёсатни ишлаб чиқишнинг асоси педагогик жиҳатдан қўллаш мумкин бўлган инновацияларни танлаш ва жорий этишга тизимли ёндашув ҳисобланади [5].

Таълимдаги инновацияларни янгилик-ислохотлар ва янгилик-ўзгаришларга ажратиш мумкин. Таълимдаги янгилик-ислохотлар – бу таълимга инновацион ёндашувларнинг асосий турларидан бири. Бунда ўқув технологиясини анъанавий репродуктив йўналиш доирасида ислох қилиш кафолатланган ютуқларга олиб келади. Улар асосида ётган таълимга технологик ёндашув, энг аввало, ўқувчиларга билим беришга ва намуна бўйича фаолият усуллари шакллантириш ҳамда самарадорлиги юқори бўлган махсулдор таълимни таъминлашга йўналтирилади.

Таълимдаги янгилик-ўзгариш – бу анъанавий ўқув технологиясини ўзгартирадиган, унинг тадқиқот характери таъминлашга, изланиш асосидаги ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган инновация. Таълимга изланиш нуқтаи назаридан ёндашиш, энг аввало, ўқувчиларда янги билимларни мустақил излаш тажрибасини шакллантириш ва уларни янги шароитларда қўллаш, ижодий фаолият тажрибасини шакллантиришни назарда тутати.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз таълим муассасаларида турли педагогик инновациялар қўлланилади. Бу, энг аввало, таълим муассасасининг анъаналари ва мақомига боғлиқ. Шундай бўлишига қарамасдан қуйидаги энг характерли инновацияларни санаб ўтиш мумкин: ўқув предметларини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш; масофавий таълим, лойиҳалаш методлари (психологик-педагогик, ижтимоий-педагогик, педагогик лойиҳалаш); ўқувчилар шахсини шакллантиришга йўналтирилган таълим: ўқувчиларни ўқитиш жараёни ва таълими сифатини бошқаришнинг ахборот-таҳлилини таъминлаш; интеллектуал ривожланиш мониторинги, тарбиялаш технологиялари, дидактик технологиялар, портфолио технологияси.

Инновацион тушунчаларни шакллантириш таълим муассасаларида инновацион технологияларни қўллашнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини ишлаб чиқиш имконини беради. Чунки улар касбий таълимни тизимли ислох қилишнинг зарур методологик воситаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, инновацион фаолият ўқув-тарбия технологиясини тизимли ислоҳ қилишдан иборат.

Инновацияларнинг самарадорлиги тўғрисида уларнинг ўзлаштирилиши натижаларига қараб фикр юритилади. Бундай натижалар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: янги педагогик восита, метод, ўқитиш технологияси, шахсий тажриба, янгича фикрлаш. Ўқитиш технологияси ўқув фаолияти жараёнида қўлланилади. Бундай фаолиятни касб-хунар коллежларида амалга ошириш зарур. Зеро, бўлажак мутахассисни ўз ўқув фаолияти мазмунини мустақил белгилашга ҳамда эгалланган билим ва малакаларини келгусида ишлаб чиқариш фаолиятида амалий қўллашга ўргатиш муҳим масала ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Волов В.Т. Инновационные принципы системы образования // Педагогика, 2007. – № 7. – С.108-114.
2. Полонский В.М. Инновации в образовании (методологический анализ // Инновации в образовании. – 2007. – №2. – С. 4-14.
3. Рашидов Х. Ф. Особенности развития среднего специального профессионального образования в Узбекистане. – Тошкент: Фан, 2004. – 207 с.
4. Саидахмедов Н.С. Педагогик амалиётда янги педагогик технологияларни қўллаш намуналари. –Тошкент: РТМ, 2000. – 46 б.
5. Слободчикова М.И. Проблемы становления и развития инновационного образования // Инновации в образовании. – 2003. – №2, –С. 4-28.